

# МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



*Илимий-методикалық журнал*

---

**2024**

**1/1-сан**

*Ўзбекистан Республикасы Министрлер Кабинети жанындагы  
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының  
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз хәм хабар агентлиги тәрепинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.  
№01-044-санлы гүўалық берилген.*

1/1-сан 2024

март

*Шөлкемлестіріушілер:*

*Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириу Министрлиги,  
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы*

**Редактор:  
А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Айтмурат АЛЬНИЯЗОВ  
Сапардурды АБАЕВ  
Адхамжон АБДУРАШИТОВ  
ХАЙРУЛЛА АЛЯМИНОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ  
Интизар АБДИРИМОВА  
Тўлкин АЛЛАЁРОВ  
Марифжон АХМЕДОВ  
Умида БАҲАДИРОВА  
Фархад БАБАШЕВ  
Ботир БОЙМЕТОВ  
Гулзода БОЙМУРОДОВА  
Шахло БОТИРОВА  
Маманазар ДЖУМАЕВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Алишер ЖУМАНОВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Холбой ИБРАГИМОВ  
Шохида ИСТАМОВА  
Умида ИБРАГИМОВА  
Лола ИСРОИЛОВА  
Меуерг ПАЗЫЛОВА  
Асқарбай НИЯЗОВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Захия НАРИМБЕТОВА  
Хушбоқ НОРБЎТАЕВ  
Улфат МАҲҚАМОВ  
Уролбой МИРСАНОВ

Сафо МАТЧОН  
Шуқурилло МАРДОНОВ  
Камаладин МАТЯКУБОВ  
Раъно ОРИПОВА  
Бахтиёр РАХИМОВ  
Фуркат РАЖАБОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Барлықбай ПРЕНОВ  
Дилшода САПАРБАЕВА  
Феруза САПАЕВА  
Зайниддин САНАҚУЛОВ  
Қаххор ТУРСУНОВ  
Амина ТЕМИРБЕКОВА  
Нурзода ТОШЕВА  
Қуанишбек ТУРЕКЕЕВ  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ  
Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Вохид КАРАЕВ  
Гулмира ҚАРЛЫБАЕВА  
Ризамат ШОДИЕВ  
Зафар ЧОРШАНБИЕВ  
Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Тармиза ХУРВАЛИЕВА  
Умид ХОДЖАМҚУЛОВ  
Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА  
Гавхар ЭШЧАНОВА  
Қонысбай ЮСУПОВ

## МАЗМУНЫ

### ТИЛ ХЭМ ЭДЕБИЯТ

<b>Raxratdinova R.A.</b> Kelbetliklerdi oqituv usullari .....	7
<b>Ruzmetova D.A.</b> Zamonaviy xoriliy til o'qitish muammolari .....	13
<b>Ботирова Ш.И.</b> Лирик композицияда модерн шеър табиати талқини .....	21
<b>Мирзалиева Д.Б.</b> Использование информационно-коммуникационных технологий при обучении переводу .....	24
<b>Kholiyorov B.</b> Teaching english for specific purposes through agricultural domain in Uzbekistan .....	31

### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ametova G.E.</b> Ximiyani oqitwda oqiwshilardn qizigiwin qaliplestiriv metodikasi .....	47
<b>Бердиева Г.</b> Шахса кадрятли мулоқот маданиятини шакллантиришга доир хорижий тажрибалар таҳлили .....	53
<b>Ibraymov A.Ye.</b> Raqamlashtirish sharoitida masofaviy va aralash o'qitishning ilmiy-nazariy asoslari .....	60
<b>Mirzaxmatov B.B.</b> Noaniqlik sharoitida qaror qabul qilishning psixologik mexanizmlari: boshqaruv qarorlari misolida .....	66
<b>Ботиров Х.Х.</b> Таълим соҳасида рақобатбардошликка эришиш учун таълим муассасасининг стратегиялари .....	70
<b>Mirzaxmatov B.B.</b> Noaniqlik sharoitida qaror qabul qilishning psixologik mexanizmlariga ilmiy yondashuvlarning o'ziga xosligi .....	78
<b>Urinbayev S.Q.</b> Talabalar motivatsiyasini oshirishda raqamli ta'lim resurslarining matematikani o'qitish jarayoniga integratsiyasi .....	82
<b>Uteuliyev J. N.</b> Pedagog-tarbiyachining axborot kompetentligini shakllantirish va rivojlantirishning yondashuvlari .....	86
<b>Urinbayev S.Q.</b> Matematikani o'qitishda raqamli texnologiyalarni joriy etish hamda kreativlikni oshirish masalalari .....	90
<b>Xujayarova N.S.</b> Talabalarda individual talim traektoriyasi asosida kreativ fikrlash .....	95
<b>Kurbanova A.O'., Bo'riyeva F.B.</b> Umumta'lim maktablarining ijtimoiy-madaniy va ma'rifiy sohasi pedagogik fenomen sifatida .....	99
<b>Адизова С.Ю.</b> Талабаларни юқори технологик корхоналарда касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича тажриба - синов натижалари .....	104
<b>Davletmuratova E.</b> O'quvchi yoshlarni vatanparvarlik tuygusini tarbiyalashda xalq pedagogikasining ahamiyati .....	111
<b>Shodmonova Z.B.</b> Ijtimoiy pedagogik faoliyatga ta'sir etuvchi omillar .....	115
<b>Саломова Р.В.</b> Информатика ўқитувчиларида узлуксиз касбий тайёргарликни комплекс ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш .....	120
<b>Ovxunov I.A.</b> Bo'lajak o'qituvchilarda virtual borliqqa mas'uliyatli munosabatni rivojlantirishning pedagogik-psixologik xususiyatlari .....	126
<b>Rahimova M.A.</b> O'quvchilarda empatiyani shakllantirish usullari .....	136
<b>Arslanova M.M.</b> Inklyuziv ta'lim sharoitida pedagoglarning kasbiy-pedagogik kompetensiyalarini rivojlantirish masalalari .....	142
<b>Бердиева Г.</b> Ўқувчиларда кадрятли мулоқот маданиятини шакллантириш шакли ва усуллари ҳамда технологияси .....	148
<b>Muratova Sh.</b> Shaxs tipologiyalari: Xeymans - Lesenn tipologiyasi va Sheldonning	



konstitutsional farqlar psixologiyasi .....	154
<b>Raximov B.X.</b> Bo'lajak o'qituvchilarda ilmiy tadqiqotchilikka oid intellektni rivojlantirishning psixologik omillar .....	164
<b>Rajabova J.P.</b> Ижтимоий педагогик таълимни дифференциал ёндашув асосида ташкил этиш йўллари .....	173
<b>Ro'zieva Z.S.</b> Pedagog kasbiy kompetentligi va emotsional jarayonlarining ijtimoiy psixologik xususiyatlari .....	179
<b>Yusupova Z. Z.</b> Pedagogik jamoadagi shaxslararo munosabatlar .....	186
<b>Murodova Z., Qurbonova G.</b> Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim barkamollik sifatlarini shakllantirish omili .....	194
<b>Қодиоров Н.Э.</b> Индивидуал ёндашув асосида талабаларнинг лойиҳалаш-конструкторлик компетенцияларини ривожлантириш - педагогик муаммо сифатида .....	198
<b>Нуридинов Ш.Ш.</b> Муҳандислик йўналиши талабаларини инновацион ёндашув асосида касбий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари .....	205
<b>Isabayeva M.M., Toshpulatova D.S.</b> O'quvchilarda kreativ faoliyatini rivojlantirish funkciyalari .....	210
<b>Boboqulova D.M.</b> O'quvchilarda tadbirkorlik mexanizmini rivojlantirishda ota-ona va o'qituvchi boshqaruvidagi hamkorlik .....	215
<b>Расулов А.Н.</b> Таълим кластери асосида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг услубий-дидактик имкониятларини яратиш масалалари .....	225
<b>Botirova M.B.</b> O'yin texnologiyalari orqali matematika darslariga qiziqishni orttirish metodologiyasi .....	231
<b>Ximmataliyev D.O., Xakimova S.X.</b> Bo'lajak muhandislarning innovasion yondashuv asosida tadqiqot ko'nikmalarini rivojlantirish mazmuni va pedagogik shart-sharoitlari .....	235
<b>Химматалиев Д.О., Толибаева Э. А.</b> Баркамол авлодни тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлаш асослари .....	240
<b>Суяров А.М.</b> Модернизациялашган таълим шароитида мактаб дарсларининг кластерли интизомий омилларини такомиллаштириш йўналишидаги функционал вазифалар .....	245
<b>Нуриллаев Ф.Т.</b> Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-касбий масъулият ҳиссини ривожлантириш .....	249
<b>Miraxmedov F.T.</b> Bo'lajak jismoniy madaniyat oqituvchilarida vatanparvarlik kompetentligini takomillashtirishning integrativ-pedagogik xususiyatlari .....	254
<b>Qodirov X.O.</b> Bo'lajak AKT soxasi mutaxasislarida kasbiy-ijodiy kompetensiyalarni rivojlantirish pedagogik muammolari .....	259
<b>Allambergenov A.A.</b> O'qituvchilarni zamonaviy dasturlar asosida o'qitishni takomillashtirishga oid xorijiy tajribalar va ularni ommalashtirish .....	266
<b>Shanazarova Sh.I.</b> Ta'limda raqamli texnologiyalardan foydalanish omillari va xavflari .....	272
<b>Шарипова Д. Дж., Шуқуров Н.Р., Иброҳимов И.Б.</b> Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашда хорижий давлатлар тажрибаси .....	278
<b>Botirova M.B.</b> Noan'anaviy innovatsion o'yin texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilarning matematikaga qiziqishini rivojlantiruvchi vosita sifatida .....	284
<b>Комилова Ф.М.</b> Современное образование и педагогико-психологическое гармония консилнума .....	289
<b>Турумбетова З.</b> Сравнительная характеристика систем образования США, Германии и Японии .....	294
<b>Ташева С.Р.</b> Ключевые понятия в менеджменте совместных образовательных программ .....	300
<b>Камилова С.А.</b> Факторы и пути повышения инвестиционной активности на фондовом рынке .....	304

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ХЭМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

<b>Yo'ldasheva M.R.</b> Qo'qon qog'ozi qayta tiklandi .....	309
<b>Рахбаров У.Р.</b> Ўқувчилар онгида жамият мафкурасининг миллий ўзликни англаш жараёнига таъсир этишининг педагогик омиллари .....	314
<b>Xodjayeva D.Yu.</b> Axborot xurujlariga qarshi yoshlarda mafkuraviy immunitetni shakllantirish .....	319

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Мамажонов Х.А.</b> Fizika fanini o'qitishning samaradorligini oshirish jarayonlari .....	326
<b>Delov T.E.</b> Milliy virtual akademiya tizimining (vacademia.uz) imkoniyatlaridan foydalangan holda virtual o'quv jarayonini tashkil qilish .....	333
<b>Исмагуллаева Х.З.</b> Биоповреждения и износ тканей .....	342
<b>Yusupova Z.Z.</b> Methods that motivate students on online learning platforms .....	349

## БАСЛАЎШИ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

<b>Murodova F.G'.</b> Maktabgacha katta yoshdagi bolalar nutqini rivojlantirishda ertak va maqollarning ahamiyati .....	361
<b>Toshova Sh.T.</b> Maktabgacha yoshdagi bolalarni tabiat bilan tanishtirish va atrof muhitni muhofaza qilish ko'nikmalarini shakllantirish .....	367
<b>Olimov S. A.</b> Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida innovatsion metodik ta'minotni tashkil etish va boshqarish imkoniyatlari .....	376
<b>Хакимов А.</b> Maktabgacha ta'lim soxasida davlat-xususiy sheriklik loyixalarining zarurati va ʻziga xos xususiyatlari .....	384
<b>Karimova M.B.</b> Maktabgacha ta'lim tashkiloti direktorlarining malaka oshirish jarayonida liderlik ko'nikmalarini takomillashtirish dolzarb ijtimoiy pedagogik muammo sifatida .....	388
<b>Исмоилова Ю.Т.</b> Бўлажак тарбиячиларда илмий-касбий ижодкорликни ривожлантиришининг таркибий қисмлари .....	396
<b>Turdiyeva R.K.</b> Umumta'lim maktablarining boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy fikrlashga o'rgatish usullari va unga ta'sir etuvchi omillar .....	403
<b>Beknayeveva Sh.V.</b> Maktabgacha ta'limda personalni boshqarish va rivojlantirish .....	409
<b>Daminova G.Sh.</b> Maktabgacha ta'lim boshqaruvchilarida boshqaruv xususiyatlarini shakllantirishga xizmat qiluvchi samarali usullar .....	413
<b>Murodova Z., Tursunova S.</b> Boshlang'ich sinf o'qituvchisining kasbiy madaniyatini shakllantirish dolzarb muammo sifatida .....	419
<b>Kalmuratov T. N.</b> Davlat-xususiy sheriklik asosidagi nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatini boshqarish funksiyalari .....	423
<b>Bozorova Z.</b> Bola shaxsini rivojlantirish va axloqiy tarbiya .....	428
<b>Sharipova G.S.</b> Boshlang'ich ta'limda ta'lim va tarbiya sohasidagi amalga oshirilgan va oshirilayotgan islohatlar .....	435
<b>Qarshiboyeva X.K.</b> Boshlang'ich sinflarda innovatsion ta'limni qo'llashning zaruriyati .....	441
<b>Qarshiboyeva X.K.</b> Boshlang'ich sinflarda faol o'qitishning innovatsion usullari: nazariyadan amaliyotga .....	445
<b>Валиева Ф.Р.</b> Современные стратегии управления в дошкольном образовании: от теории к реализации .....	449
<b>Asiljonova Sh.D.</b> Teaching productive language skills to preschoolers .....	458

## ТАСВИРИЙ САЪНАТ

<b>Abduazimov F.</b> Cholg'u ijrochiligida repertuar tanlashdagi pedagogik talablar .....	464
---	-----



## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

<b>Toshpo'latov E.B.</b> Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarida harakatli o'yinlarni tashkil etish mazmunini klasterli yondashuvlar asosida takomillashtirish .....	469
<b>Bolbekov E. A.</b> Talabalarning sog'lom turmush tarzi mazmunini kreativ yondashuvlar asosida takomillashtirish .....	473
<b>Yakupbaev A.</b> Jismoniy tarbiya darslarda o'quvchilarni harakatli oyinlarga o'rgatishning dastlapki psixopedagogik mohiyati .....	479
<b>Якупбаев А.А.</b> Жаҳон ва Ўзбекистон чемпионларида эркин кураш спорт тури бўйича мусобақа даврида партер ҳолатидаги техник усулларнинг таҳлили .....	483
<b>Zayniddinov T.B.</b> Zamonaviy yondashuvlar asosida bo'lajak jismoniy madaniyat o'qituvchilarning vatanparvarlik kompetentligini takomillashtirish .....	488
<b>Quvondiqov S.S.</b> Bo'lajak jismoniy madaniyat o'qituvchilarining shaxsiy xususiyatlari .....	493
<b>Орзиев А. А.</b> Тенденция развития традиционного вида спорта кураш и его значимость в воспитание молодежи .....	498
<b>Спатаев Б.П.</b> Усовершенствование физических качеств будущих учителей физического воспитания на основе инновационных подходов .....	502
<b>Mambetkasimova Q.</b> Exercises to develop athletic qualities of the athlete .....	508



## БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА МАКТАБ, ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ҲОКИМЛИКЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

*Химматалиев Д.О.*

*педагогика фанлари доктори, профессор,*

*Толибаева Э. А.*

*Таълим муассасалари бошқарув мутахассислиги I курс магистранти,  
Чирчиқ давлат педагогика университети*

**Таянч сўзлар:** мактаб, тадбир, ҳамкорлик, конференция, учрашув, маъруза, тренинг, маъруза, маслаҳат.

**Ключевые слова:** школа, мероприятие, сотрудничество, конференция, встреча, лекция, тренинг, лекция, консультация.

**Key words:** school, event, cooperation, conference, meeting, lecture, training, lecture, consultation.

Ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай ўзгаришлар таълим тизимидаги ўзгаришларга олиб келади. Давлат-жамоат бошқаруви тизимини татбиқ этиш механизмларидан бири таълим муассасалари ва ота-оналар ҳамкорлиги учун шарт-шароит яратишдир.

Баркамол авлодни тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлаш таълим муаммоларини ҳал этишда етарли даражада хабардорликка олиб келади. Бундан ташқари, ота-оналар таълим хизматларининг асосий мижозлари сифатида уларнинг сифати устидан жамоатчилик назоратини тўлиқ амалга оширишлари ва доимо таълим муассасасидаги ишларнинг ҳолати ва таълимни ривожлантириш истиқболлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлишларига сабаб бўлади.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмуродов [1], А.Умаров [6], Т.Матибаев [3] ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёшларнинг оилавий муҳитда ижтимоий-маънавий тарбияси муаммолари ўрганилган.

Баркамол авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ўз Ватани ва халқига содиқ фуқарони шакллантириш бўйича мактабларнинг оила, маҳалла ва



ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлигини амалга ошириш мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни тарбиялаш имконини беради, бу вазифаларни амалга оширишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Баркамол авлодни тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлаш болаларнинг маънавий баркамол ва жисмоний соғлом бўлишларига ўз ҳиссасини қўшади. Бу ҳамкорликнинг вазифалари:

- оилада соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, миллий рух ва турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда фарзандларда ота-она, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш;
- болаларнинг қизиқиши, иқтидори ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш;
- уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;
- болаларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ва уларнинг қўшимча таълим олишларига шарт-шароит яратиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Баркамол авлодни тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлаш ота-оналарнинг бошқарувида мактаб меъёрий ҳужжатлари, таълим дастурларини амалга оширилиши ва таълим муассасасининг ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш имконини беради. Кўпгина ота-оналар таълим ва тарбия, асосий умумий таълимнинг давлат таълим стандартини жорий этишни қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш, ихтисослаштирилган таълим, ҳуқуқбузарликлар ва ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида ўз таклифларини киритишлари керак.

Таълим соҳасидаги мавжуд вазият оилани ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватлашнинг янги, янада самарали тизимини яратишни, оила институти ва таълим муассасалари ўртасида янги муносабатларни қуришни тақозо этмоқда. Бундай жараённи ташкил этиш жамиятда рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур англашни, позицияларни мувофиқлаштиришни, ўқитувчилар ва ота-оналар жамоаси томонидан қабул қилинган концепцияни ишлаб чиқишни талаб қилади. Бунинг учун ота-оналарнинг педагогик маданиятини оширишга ундайдиган тегишли шарт-шароитлар тизими керак:

- ривожланаётган бола шахсининг талаблари ва эҳтиёжлари;





- унинг шахсий ривожланиши ва касбий ўзини ўзи белгилаш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари;
- ота-оналарнинг олдинги тажрибасига ва уларнинг педагогик таълим жараёнига таяниш зарур.

Мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг шарт:

- болалар ривожланишининг турли босқичларида таълим позициялари, кадриятлари, мақсадлари, вазифалари, меъёрларини мувофиқлаштириш;
- болаларни тарбиялашда уларнинг ёши эҳтиёжлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ягона ёндашув ва талабларни ишлаб чиқиш;
- ривожланишнинг ҳар бир ёш босқичида асосий ривожланиш вазифалари, жинси, саломатлиги, темпераменти ва бошқаларни эътиборга олишдан иборат.

Мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлаш болани шахс сифатида тарбиялаш ва ривожлантириш шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали бўлади. Мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар ўртасидаги иш тизимининг етакчи ғояси ҳар бир боланинг оиласи билан ҳамкорликни ўрнатиш, ўзаро ёрдам ва манфаатлар ҳамжамиятини яратишдир. Оила ва мактаб ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни ота-оналарни таълим жараёнига, бўш вақтни ўтказишга, болалар ва педагогик жамоа билан ўзаро муносабатларга жалб қилишга қаратилган бўлиши керак. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг оиласи алоҳида эканлигини унутмаслиги керак, шунинг учун умумий таълим ташкилоти томонидан ҳамкорликнинг индивидуал шаклларида фойдаланиш яхши муносабатларни ўрнатиш ва ота-оналар билан алоқа ўрнатишда муҳим ва самаралироқ бўлади [4]. Таълим муассасаси ва оила ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг индивидуал шаклларига қуйидагилар киради:

- ўқувчиларнинг ота-оналари билан телефон орқали суҳбатлар;
- индивидуал учрашувлар; суҳбатлар;
- пайдо бўлган масалалар бўйича маслаҳатлашувлар;
- боланинг оиласига ташриф буюриш;
- ота-оналар билан ёзишмалар ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда ўқитувчиларнинг ҳамкорликнинг индивидуал шаклларида фойдаланишга бўлган эҳтиёжи сезиларли даражада ошди ва нафақат умумий таълим ташкилоти, балки ота-оналар томонидан ҳам намоён бўлди [2]. Ўқитувчининг оила билан индивидуал ишлаши жуда самарали. Бу ота-оналарнинг мактаб ўқувчиларига қўядиган талабларни



ички қабул қилишларига ва мактаб ва синф ҳаётида фаол иштирок этишга олиб келади. Ўқитувчининг оила билан индивидуал ишлаши туфайли болалар ва уларнинг ота-оналари ўқишга қизиқиш билдира бошлайдилар, бунинг натижасида уларнинг ютуқлари ошади, ўзини ўзи қадрлаши юқори бўлади ва уй вазифаларини тайёрлаш янада муваффақиятли бўлади. Ҳамкорликнинг жамоавий ва гуруҳ шакллари умумий таълим ташкилотининг барча ёки алоҳида ота-оналар гуруҳлари билан биргаликдаги ишини ўз ичига олади. Улар маълум синфдаги муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш йўлларини топиш ва барча ота-оналарни мактаб ишларига жалб қилиш учун мўлжалланган. Ҳамкорликнинг бундай шаклларида фойдаланиш ҳар бир ота-онага мактаб ва синф ҳаётида фаол иштирок этиш имконини беради.

Мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлашнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- мактаб миқёсида ва синфда ота-оналар йиғилишлари;
- мактаб тадбирлари, концертлар ўтказиш;
- очиқ эшиклар куни (ота-оналар куни);
- ота-оналар кўмитасини яратиш ва яқин ҳамкорлик қилиш;
- тематик конференциялар;
- ота-оналарнинг ижодий гуруҳлари билан ишлаш;
- савол-жавоблар куни;
- гуруҳ маслаҳатлари;
- ота-оналарнинг мактаб маъмурияти ва педагогик жамоа билан учрашувлари;
- ота-оналар учун маърузалар;
- маҳорат дарслари, тренинглар;
- ўқув фильмларини кўриш ва кейинги муҳокамалар;
- ота-оналар мактаблари ва бошқалар [5].

Мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлашнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари ҳам мавжуд. Анъанавий шакллар - бу барча таълим муассасалари учун умумий бўлган, йиллар давомида синовдан ўтган шаклдир. Буларга мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимлик ўртасида йиғилишлар ўтказиш, маърузалар ташкил этиш, педагогик суҳбатлар, тадбирларни биргаликда ташкил этиш, индивидуал ва гуруҳ маслаҳатлари ва бошқалар киради. Ҳамкорликнинг ноанъанавий шаклларида мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар билан ҳамкорликда ишлашнинг замонавий шакллари киради. Буларга мунозаралар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар киради.



Шундай қилиб, мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлаш ўқувчиларнинг уйғун ривожланишига қаратилган ўзаро фаол таълим тизимини яратишдир. Баркамол авлодни тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлаш самарали ишлаш усулини онгли равишда танлаш имконини беради. Ўқитувчининг малакаси ва педагогик маҳорати, бир томондан, муайян шароитларнинг объектив таъсирини ҳисобга олиш қобилиятида, бошқа томондан, баркамол авлодни тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлаш, жамоада ҳамкорликдаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш қобилиятида намоён бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. Тошкент: Info Capital Group, 2011.
2. Волокитина Ю.Н. Инновационные формы взаимодействия учителей начальных классов и родителей / Ю. Н. Волокитина // Концепт : науч.-метод. электрон. журн. – 2017. – Т. 34. – С. 37–41.
3. Матибаев Т.Б. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омиллари. Соц. фан. док. (DSc) автореф. – Тошкент: 2017.
4. Москвина Н.И. Взаимодействие семьи и школы / Н. И Москвина // Кл. руководитель. – 2005. – № 5. – С. 102–107.
5. Подласый И.П. Педагогика начальных классов / И. П. Подласый. – М. : Владос, 2008. – 210 с.
6. Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва қомил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. – Соц. фан. докт. дисс. – Тошкент: ТошДМИ, 2005.

#### РЕЗЮМЕ

Таълим соҳасидаги мавжуд вазият оилани ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватлашнинг янги, янада самарали тизимини яратишни, оила институти ва таълим муассасалари ўртасида янги муносабатларни қуришни тақозо этмоқда. Мақолада мактаб, оила, маҳалла ва ҳокимликлар ҳамкорлигини таъминлашнинг асосий шакллари ёритиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

Современная ситуация в сфере образования требует создания новой, более эффективной системы социально-педагогической поддержки семьи, установления новых отношений между институтом семьи и образовательными учреждениями. В статье описаны основные формы обеспечения сотрудничества школы, семьи, района и администрации.

#### SUMMARY

The current situation in the field of education requires the creation of a new, more effective system of social and pedagogical support for the family, the establishment of new relations between the institution of the family and educational institutions. The article describes the main forms of ensuring cooperation between school, family, district and administration.